

Муаллиф: Шайх Носир ибн Мұхаммад Аҳмад

# Фалаба турлари

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Асл сарлавҳа

مِنْ مَعَانِي التَّصْرِ

## Муқаддима

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Оламлар Рабби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар, У зотнинг барча пайғамбарларига салоту саломлар бўлсин...

Сўнг ...

Уламолар тавҳидни уч қисмга бўладилар: рубубийят, улуҳийят ва исм ва сифатлардаги тавҳид. Аҳли суннат ва жамоат эътиқодига кўра Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларининг маънолари ҳақида шундай дейилади: Аллоҳ таоло Ўзига самимийлик билан йўналган, таваккул қилган ва Аллоҳга суюнган одамни ноумид қўймаган. Ҳолбуки, башарият тарихида Аллоҳ таоло бу дунёда яратган бирон пайғамбар ёки олим ёхуд даъватчи ёда муҳоҳид ёки жамият ёхуд давлат Аллоҳга таваккул қилар, суянар, барча одамларни Аллоҳ учун тарк қилган экан, ёрдамсиз ташлаб қўйгани содир бўлмаган. Бундай ҳолат тарих давомида ҳеч рўй бермаган.

Ҳолбуки бизнинг Аллоҳнинг исм ва сифатларини тушунишимиз шундайки, Аллоҳ таолога таваккул қилган, Унга суюнган ва Ундан бошқа махлуқотлардан воз кечган бандага Аллоҳ мадад қилиб, тез кунда зафарлар ато этади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

(وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ)

**«ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»** (Рум: 47).

Бу – Аллоҳ таоло исм ва сифатларининг маъноларидан биридир. Аллоҳ таоло ўзининг гўзал исмлари ва олий сифатлари билан ҳақ эгалари бўлган солиҳ ва испоҳотчи дўстлари учун ғалаба ва зафарларни, кофир ва муноғиқ душманлари учун эса хорлик ва хўрликни ёзиб қўйган. Бу сабаблари кечиксада, ўзи кечикмайдиган суннат – қонуниятдир:

(فَإِنْ تَجِدَ لِسْنَةَ اللَّهِ تَبْدِيلًا وَلَنْ تَجِدَ لِسْنَةَ اللَّهِ تَحْوِيلًا)

**«Бас сиз ҳаргиз Аллоҳ суннати-қонунининг ўзгарганини кўрмассиз ва ҳаргиз Аллоҳ суннатининг айланганини (яъни азобга мустаҳиқ бўлган кимсалар қолиб, ўзгалар азобланганини) кўрмассиз»** (Фотир: 43).

Ҳой мусулмонлар, бу ғалабанинг бир неча кўринишлари бўлиб, жанг майдонидаги ғалабаларгагина хос эмас. Чунки пайғамбар ўлдирилиши, олим сургун қилиниши, даъватчи қамоқقا ташланиши, муҳоҳид ўлиши, давлат

инқиrozга учраши ёки мусулмонларнинг барчаси азобга гирифтор бўлиши: уларнинг айримлари оловли хандақларга отилиши, бошқалари шаҳид бўлиши, айримлари эса оғир, қашшоқлик ёки сургун ҳаётини яшashi мумкин. Шундай бўлсада, уларнинг барчаси ғолиб, катта ғалабани қўлга киритган ва улар ҳақида Аллоҳ таолонинг ушбу оятлари амалга ошган бўлади:

(وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ)

**«ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»** (Рум: 47).

## Ғалабанинг биринчи тури

Ғалабани жанг майдонидаги устунликларгагина чеклаб олган одамлар, Ислом динидаги ғалаба маъноларини тўла билмаган кимсалардир. Аллоҳ таолонинг мўъмин бандаларига ваъда қилган ғалабаларидан бири, иззат ва ҳукмронлик ҳамда давлатни Ислом ва ғозийлик давлати қилиши эди. Бинобарин, Аллоҳ таоло қуидаги оятида баён қилганидек, Довуд ва Сулаймон алайҳимассаломларга ғалаба берди:

(وَقَتَنْ دَأْوُدْ جَائِوْتَ وَأَتَهُ اللَّهُ الْمُلْكُ وَالْحِكْمَةُ)

**«Ва (Толутнинг аскарларидан бўлган) Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайғамбарлик ва йиҳозлийлик нарсаларидан таълим берди»** (Бақара: 251);

(فَفَهَمْنَاهَا سَلَيْمَنٌ وَكُلَّاً عَلَيْنَا حُكْمًا وَعِلْمًا)

**«Бас, Биз уни Сулаймонга англатдик.**

И з о ҳ . Ривоят қилишларича, Довуд ва Сулаймон пайғамбарларнинг олдиларига икки киши бир можаро хусусида ҳукм сўраб келади. Улардан бирининг қўйлари иккинчисининг экинзорига кириб кетиб бирон нарсани соғ қолдирмай пайҳон қилиб чиқиб кетган эди, Довуд алайҳис-салом қўйлар экинзор эгасига берилсин, деб ҳукм чиқарадилар. Буни эшитган ўғиллари Сулаймон алайҳис-салом эса «ерни қўйларнинг эгасига, қўйларни эса экинзор соҳибига берилса-ю, қўйларнинг эгаси ерни ўнглаб, экин экиб аввалги ҳолига қайтаргач, қўйларини қайтиб олса. Шу муддат ичida экинзор соҳиби у қўйларнинг юнги, сутидан фойдаланиб, шу даврда туғилган қўзиларини ҳам ўзига олиб қолса», дейдилар. Шунда Довуд Сулаймонга

қараб: «Ўғилчам, сенинг ҳукминг тўғрироқдир», деб ўз чиқарган ҳукмларини бекор қиласди...

**Биз ҳар иккисига ҳикмат-пайғамбарлик ва илм ато этдик» (Анбиё: 79).**

Аллоҳ таоло бу икки буюк пайғамбарга пайғамбарлик, ҳукм ва катта салтанатни ато этди.

Шунингдек Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Фиръавн ва Фиръавн қавми устидан зафар бериб, қуидаги оятда айтиб ўтилганидек, унинг ҳаётида Ислом динини ғолиб қилди:

(وَدَمَرْنَا مَا كَانَ يَصْنَعُ فِرْعَوْنُ وَقَوْمُهُ وَمَا كَانُوا يَعْرِشُونَ)

**«Фиръавн ва қавми қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик» (Аъроф: 137).**

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эса Аллоҳ таоло катта ғалабаларни насиб этди. Аллоҳ таоло дунёдан кўз юмишларидан илгари пайғамбаримизнинг кўзларини очиқ ғалаба, иззат ва ҳукмронлик билан қувонтириди. Ҳатто Аллоҳ таоло ғалаба ва одамларнинг Ислом динига тўп-тўп киришларини пайғамбаримиз вафотининг даракчиси эканини билдириди:

(إِذَا جَاءَ نَصْرٌ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا • فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا)

**«Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-баҳтсизлиқдадир. 3. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчиidlар)» (Аср сураси). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида Ислом дини Араб ярим оролига ҳукм қилаётган эди.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнгра шогирдлари шарқу ғарб, шимолу жанубдаги давлатларни фатҳ этдилар ва Ер куррасининг кўпгина давлатлари Ислом даъвати билан мунаvvар бўлди. Ислом байробини кўтарган ва Аллоҳнинг динини ёйган саҳобаларнинг қонлари турли давлат ва элатларда тўкилди. Ҳатто Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу Атлантика океанининг соҳилида туриб: «Ҳой уммон! Агар сенинг орtingда Аллоҳ йўлида фатҳ этилиши керак бўлган ер борлигини билсанм эди, шу отим билан сенга кирад эдим!» – деган эди.

Уқба разияллоҳу анҳу уммон ортида икки Америка қитъаси борлигини билмаган эди. Агар Аллоҳ таолонинг тақдиррида унинг денгизга кириб,

мусулмонларнинг бу икки қитани ҳам озод қилишлари ёзилган бўлса эди, тарих бутунлай бошқача бўлармиди? Шундай бўлсада, Аллоҳ таоло Уқбанинг тулпорларини Атлантика океанинг соҳилларида тўхташини хоҳлабди. Ҳолбуки, Аллоҳ таолодан қилган ишлари ҳақида сарҳисоб талаб қилинмайди, балки бандалар қилган ишларидан сарҳисоб қилинадилар.

Машхур халифа Ҳорун ар-Рашид раҳимаҳуллоҳ осмондаги булатга қараб: **«Сен хоҳлаган жойингга ёғ, барибир хирожинг менга етиб келади!»**— деган эди.

Аллоҳнинг бандалари, Исломга боамал ва Ислом учун фидокор инсонлар етишиб чиққанида Ислом дини ғалаба қозонди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

(وَلَقَدْ سَبَقْتُ كَلِمَتَنَا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ • إِنَّهُمْ لَهُمُ الْمُنْصُرُونَ • وَإِنَّ جُنَاحَنَا لَهُمُ الْغَلَبُونَ)

«Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақида: «Шак-шубҳасиз улар қўллаб-қувватлангувчилардир ва шак-шубҳасиз Бизнинг қўшинимиз (яъни пайғамбарлар ва уларга иймон келтирган кишилар) ғолиб бўлгувчиidlар», деган Сўзимиз ўтган — собит бўлгандир» (Соффат: 171 – 173).

## Ғалабанинг икинчи тури

Аллоҳнинг бандалари, ғалаба турларидан бири – Аллоҳ таолонинг кофирлар ва пайғамбарларни рад этган кимсаларни ҳалок қилиб, Ўзининг пайғамбарлари ва мўъмин бандаларини қутқаришидир. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом ҳақида ҳикоя қиласар экан шундай деган:

(فَدَعَاهُ رَبُّهُ أَئِي مَغْلُوبٌ فَأَنْتَصِرْ • فَقَتَحْنَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ بِمَاءٍ مُّثْمِرٍ • وَفَجَرْنَا الْأَرْضَ عَيْنَوْنَا فَالْتَّقَى الْمَاءُ عَلَى أَمْرِ قَدِيرٍ • وَحَمَّلْنَاهُ عَلَى دَاتِ أَلْوَحٍ وَدُسُرٍ • تَجْرِي بِأَعْيُنِنَا جَزَاءً لِمَنْ كَانَ كُفُرُ)

«Шунда у Парвардигорига: «Мен (у кофир қавмимдан) мағлубдирман. Ўзинг ёрдам қилгин», деб дуо-илтижо қилган эди. Биз осмон дарвозаларини (тинимсиз) қуйилгувчи сув — сел билан очиб юбордик. Ва барча ердан чашмалар чиқариб юбордик. Бас, (осмон ва Ернинг) суви тақдир қилиб қўйилган бир иш (яъни кофирларни ғарқ қилиб юбориш) устида учрашдилар! Уни (Нуҳни) эса тахтаю михлар эгасида (яъни тахталар ва михлардан ясалган бир кемада) кўтардик. У (кема) Бизнинг кўз ўнгимиизда (ҳифзу

**химоямизда) сузар. (Бу ўз қавми томонидан пайғамбарлиги) инкор қилинганди киши (яъни Нуҳ пайғамбар) учун мукофотдир» (Қамар: 10 – 14).**

Аллоҳ таоло Ҳуд, Солих, Лут ва Шуъайб алайҳиссаломларга ғалаба бериб пайғамбарлари ва мўъмин бандаларини қутқарса, коғир ва пайғамбарларни рад этган одамларни ҳалок қилди.

## **Ғалабанинг учинчи түри**

– эътиқод ва иймон ғалабасидир. Яъни, мўъминлар ўз иймонларида устивор турадилар, динларини химоя қилиш учун тану жонларини фидо қиладилар ва иймоннинг қалбларидан чиқмаслиги учун тиришадилар. Бу – эътиқод ва иймон ғалабасидир.

Иброҳим алайҳиссаломни гулханга отилади ва у ўз эътиқоди ва эътиқодига чорлашдан воз кечмайди. Айтингчи, У бу вазиятда ғолибмиди ёки мағлубми?! Эътиқод мантиқи билан қараганимизда, шубҳасизки, у гулханга отилар экан ғалабанинг энг юқори чўққисидадир. Ҳолбуки уни, гулханга отганлар мағлуб қилганларини тушунмоқдалар. Иброҳим алайҳиссалом иккинчи марта: гулхандан соғ чиқиши билан ҳам ғолиб бўлди. Бу ҳам, у ҳам, ғалабанинг фарқли кўринишлариdir. Ҳолбуки ҳар иккиси ҳам, юзаки қаралганида бир-биридан жуда ҳам узоқ кўринсада, аслида, жуда ҳам бир-бирига яқинdir!

Ҳандақ эгалари оловли ҳандаққа отишган йигитнинг қиссаси ҳам ажойибdir. Қирол уни ўлдиришдан ожиз қолгач йигит унга: Мени мен сенга амр қилган ишни қилмагунингча ўлдира олмайсан,— деди. Сиз, Исломнинг иззатига бир боқинг!

– Мен сенга нима қилишингни буюраман, биласанми?,— деди. Қирол: Нимага буюрасан?!,— деди.

– Одамларни бир жойга тўплаб, мени хурмо дарахтининг шохларига осасан ва ўқдонимдан ёйни олиб, камоннинг ипига қўйиб: Йигитнинг Робби бўлган Аллоҳ номи билан!,— деб отасан. Шундагина сен мени ўлдира оласан,— деди.

Қирол одамларни бир жойга тўплаб, йигитни хурмонинг шохларига осиб, йигитнинг ўқдонидан ёйни олиб камоннинг ипига қўйди ва: Йигитнинг Робби бўлган Аллоҳ номи билан!,— деб отди. Ёй йигитнинг чаккасига тегди ва йигит чаккасига кирган ёйни ушлаб ўлди.

Одамлар: Биз йигитнинг Роббисига иймон келтирдик!,— деб қичқира бошладилар. Подшоҳнинг аъёнлари: Қўрқкан нарсангиз бошингизга келганини кўрдингизми? Одамлар иймон келтира бошладилар!,— дейишди.

Бу йигитнинг даъват йўлида ўз ҳаётини қандай фидо этганига қаранглар. Даъватчилар даъвтларини ёйиш йўлида ҳеч нарсаларини аямасликлари ва ҳатто кези келганида одамлар иймон келтиришлари учун ҳаётларини ҳам қурбон қилишлари керак. Йигит Роббисининг ҳузури: Аллоҳнинг жаннати ва раҳмати сари кетди. Одамлар эса унинг даъватига иймон келтирдилар. Ўша пайтда қирол майдонга ҳандақ қазиб, уни гулханлар билан тўлдиришга ҳамда динидан қайтмаган одамларни унга улоқтиришга фармон берди. Хизматчилар мўъминларни гулханга ота бошладилар. Баногоҳ, қўлидаги чақалоги билан бир хотинни ҳам олиб келдилар. Онаизор иккиланиб орқасига тисарилди. Шунда чақалоқ тилга кириб: Онажон, сабр қилинг! Сиз ҳақ йўлдасиз! – деб юборди!

Аллоҳ таоло бу машъум ҳодисанинг хотимаси ҳамда икки гуруҳнинг охиратдаги оқибатлари ҳақида Ўзининг Мангу Китобида шундай баён қилди:

(فَتَلَمَّا أَصْبَحُ الْأَخْدُودُ • الْنَّارِ ذَاتِ الْوُقُودِ • إِذْ هُمْ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ بِالْمُؤْمِنِينَ شُهُودٌ • وَمَا نَقْمُواْ  
مِنْهُمْ إِلَّا أَنْ يُؤْمِنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ • الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ • إِنَّ الَّذِينَ فَتَنُواْ  
الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَتُوبُوا فَلَهُمْ عَذَابٌ جَهَنَّمُ وَلَهُمْ عَذَابٌ الْحَرِيقِ • إِنَّ الَّذِينَ عَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّلِحَاتِ لَهُمْ جَنَّتٌ تَجْرِي  
مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ)

«(Ўзига итқитилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган) «ўтин»ли олов — (ўша олов ловуллаб ёнаётган) чоҳ эгалари лаънат қилингайлар! Ўшанда улар ўша (choҳ)нинг устида ўтириб олган — Ва мўминларга қилаётган ишларига ўzlари гувоҳ бўлган эдилар.

И з о ҳ. Ушбу оятларда қадимда ўтган бир золим подшоҳ ва унинг малайлари мўминларни Аллоҳ таолога бўлган иймон-эътиқодларидан қайтариш учун қўллаган мудҳиш чоралари ва оқибат-натижада ўzlари қазиган чоҳга ўzlари қулаб ҳалок бўлганлари ҳақида хабар берилди. Ўшанда улар мўминларни ташлаб ёқиб юбориш учун узун ва чуқур чоҳ кавлашиб, ҳар бир мўминни ўша чоҳ ёқасига келтиришгач, агар иймонидан қайтмаса, мана шу ловуллаб ёниб турган чуқурга итқитилишини айтишганида, бирон мўмин иймонсиз яшашни иймон билан шаҳид бўлишдан ортиқ билмаган экан. Лекин улар ўша чуқурга отилган пайтларида ҳали олов баданларига тегмасидан Аллоҳ таоло уларнинг жонларини Ўз ҳузури олийсига чорлаган, мўминларнинг жасадларини куйдиришдан ор қилган олов эса юқорига ўрлаб, чоҳ ёқасида томошабин бўлиб ўтирган кофирларни куйдириб ҳалок қилган экан. Бу қиссадан ҳисса шуки, мангу саодатга элтгувчи Иймон йўли осон йўл эмас, балки барча замонлардаги носоз тузум ва бузуқ жамиятларда аҳли иймон бошига ана шундай оғир синов тушиши мумкин. Ана ўша пайтда

иимон имтиҳонидан гарчи шаҳид бўлиш баробарига бўлса-да, ўта олган мўминлар нажот топган бўлурлар. Уларга зулму ситам кўрсатган мустабид ҳокимлар эса шак-шубҳасиз ҳалокатга маҳкумдирлар...

Улар (мўминлардан) фақат у (мўмин)лар қудрат ва мақтов эгаси бўлган Аллоҳга — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар! Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир! Албатта мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, (бу қилмишларидан) тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир ва улар учун ўт азоби бордир! Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу катта баҳтдир» (Буруж: 4 – 11).

Хой мусулмонлар, иймон карвони олдидағи муҳтарам пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан ўтиб бормоқда:

(مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَهَدُوا اللَّهُ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَنْ قَضَى نَحْبَهُ وَمِنْهُمْ مَنْ يَنْتَظِرُ وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا)

«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган (У зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) аҳду паймонларига содик бўлган кишилар бордир. Бас улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (шаҳид бўлишга) интизордир» (Аҳзоб: 23).

Бирон аср йўқки, ерга шаҳидлар қони тўкилмаган бўлса. Ер юзи ҳар замон Уммат учун ўrnak бўладиган мўъминлардан холи бўлмаган ва уларнинг ўлими билан яхшиликлари атрофларга ёйилган.

«Қуръон сояларида» асарининг муаллифини қатл қилиш у ўзи амал қилган эътиқодни ва Алоҳнинг ҳукмидан бошқа нарсага ҳукм учун мурожаат қилиш куфр эканини баён қилиб яшаган ва жонини фидо этган ғоя, чор атрофга ёйилди:

(إِنِّيْ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ، أَمْرَ أَلَّا تَعْبُدُوْ إِلَّا إِيَاهُ)

«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир» (Юсуф: 40);

(وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكُفَّارُونَ)

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирилардир» (Моида: 44).

Муаллиф үзига үлим жазоси берилгач ва уни ижро этишдан бир оз аввал қуидаги мисраларни ёзади. Аллоҳ таоло бу мисраларнинг зинданлар қаъридан чиқиб бутун оламга ёйилишини тақдир қилди:

**Зинданлар қаърида бўлсангда,  
Сен ҳурсан, қадрдон дўстим!  
Қўлингдан кишанлар қисиб турсада,  
Сен ҳурсан, қадрдон дўстим!  
Гар қалбинг Аллоҳга боғланган бўлса.  
Қулларнинг ҳийласи бермагай зарар  
Зулмат лашкарлари ёйилмай тугар,  
Янги нурафшон тонг ёғдуси порлар!  
Агар ўлсак дўстларимиз қаршилар бизни  
Биз учун тайёр Роббим жаннати!  
Унинг бўйлари маст қилмоқда-ку!  
Мангулик диёри бизга суюнчи!  
Дўстим, мен чун тўксанг ёшларинг  
Ва қабримни айлантиранг лойларга  
Суякларимни ёққин шам қилиб,  
Нурида юрилсин олий жойларга!**

Аллоҳ таоло бу муаллифни раҳмат қилсин! Қамоқхонада ўтирган коммунистлардан бири: Мен ҳам унинг каби қатл қилинишим ҳамда унинг китоблари ёйилганидек ғоям ва китобларим ёйилишини орзу қиласман! – деган эди. Ҳа, муаллиф вафот этгач унинг китобларини Ливандаги христиан матбаалар ҳам босиш учун ҳаракат қилишди. Чунки у ўз китобларида қаламга олган ғояси йўлида жонини фидо қилган эди! Муаллиф раҳимахуллоҳ: «Бизнинг сўзларимиз ҳаракатсиз жусса бўлиб қолаверади. Қачонки биз улар йўлида ўлиб, қонимиз билан уларни озиқлантирас эканмиз яшайдилар ва тириклар ичida қўзғоладилар» – деб айтганида шуларни назарда тутган эди.

Бу ҳам ғалабадир. Бўлганда ҳам катта ғалабадир! Бу – жангларда қозонилган ва қўлга киритиш билан тугаб қоладиган ғалабалардан ҳам каттадир. Чунки бу ғалаба, қолишини Аллоҳ хоҳлаганича қоладиган ғалабадир!

Қанча-қанча шаҳидлар борки, агар улар минг йил яшаса ҳам ўз шаҳидликлари билан амалга оширганидек эътиқоди ва даъватига ёрдам бера олмас эди. Уларнинг душманлари ўзларини ғолибдек ҳис этадилар. Бироқ улар, ўзларининг тўкилган қонлари билан берган охирги хутбасида инсонларга ўз ғояларини бериб, минглаб инсонларнинг катта ишларга қўл уришга ундалилар. Натижада, бу ғоя тарих давомида набиралар ва авлодларни ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

## Ғалабанинг тўртинчи кўриниши:

Аллоҳ таоло мўъмин бандаларини кофирларнинг макру ҳийлаларидан ҳимоя қиласди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

(وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِكُفَّارِئِ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا)

**«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»** (Нисо: 141).

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деди:

(وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ)

**«Аллоҳ Сизни одамлардан ҳимоя қиласди»** (Моида: 67).

Тарих китобларида Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қилич кўтарган одамдан қандай қутқаргани ҳақида шундай дейилган. У одам: Сени мендан ким қутқара олади? – дегач Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ!» – деб жавоб бердилар. Одамни бирдан қалтироқ босди ва қўлидаги қилич ерга тушди. Заҳарланган гўшт Аллоҳнинг изни билан тилга кирди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўзининг заҳарланган эканини айтди. Назир қабиласини сургун қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мудофааа қилиш учун Микоил ва Жибриил алайҳимассаломларнинг осмондан тушишлари (ҳам шу ёрдамдандир).

Дўстлар, Ражий жангги ҳақида эшитганмисиз? Осим ибн Собит разияллоҳу анхуни танийсизларми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жосуслик қилишлари учун бир бўлинмани юбориб, Осим ибн Собит разияллоҳу анхуни амир қилиб тайинладилар. Улар вазифани бажариш учун йўлга тушдилар. Асафон ва Макка орасида Ҳузайл қабиласининг уруғи бўлган лаҳёнликлар уларни пайқаб қолди ва ортидан юзта мерганни жўнатишиди. Улар Осим разияллоҳу анху бўлинмасининг изига тушдилар ва уларнинг қўнимгоҳига етиб келгач, хурмоларнинг данакларига кўзлари тушди ва: Бу – Мадина хурмолари! – дейишди. Улар Осим бўлинмасининг изидан айрилмадилар ва уларга етиб олдилар. Осим

ва бўлинмасидагилар баланд жойга чиқиб олдилар. Душман келиб уларни қуршовга олди ва: Агар пастга тушсангиз сизларни ўлдирмаслик ваъдасини берамиз,— деди. Осим разияллоҳу анҳу: Мен кофирларнинг зиммаси билан тушмайман. Аллоҳим, биздан Пайғамбарингга хабар бер!,— деди. Душманлар бўлинма билан жангни бошлишди ва Осим разияллоҳу анҳуни етти киши найза билан ўлдирди. Қурайшликлар Осимнинг ўлдирилганини аниқлаш учун жасадидан бир парча олиб келиш учун элчилар юборишиди. Чунки Осим разияллоҳу анҳу Бадр жангига уларнинг катталаридан бирини ўлдирган эди. Аллоҳ таоло унинг орқасидан соябондек бир нарса чиқардик, қурайшликларнинг элчиларидан уни тўсиб турар эди. Улар Осимнинг бирон узвини олишга муваффақ бўла олмадилар. (Нега?). Чунки Осим разияллоҳу анҳу Аллоҳ таолога ўзини бирон мушрик ушламаслиги ва ўзи ҳам бирон мушрикни ушламаслигини аҳд қилган эди!! Шунинг учун ҳам Умар разияллоҳу анҳу: «**Аллоҳ таоло мўъмин бандани ўлганидан кейин ҳам худди тириклигидагидек ҳимоя қилади**»— деган эди.

Осим разияллоҳу анҳу куннинг биринчи ярмида Аллоҳнинг динини мудофаа қилган бўлса, Аллоҳ таоло куннинг иккинчи ярмида Осимни мудофаа қилди ва бирон мушрик унга тега олмади! Шу ерда бирор: Аллоҳ таоло уни ўлганидан кейин мушриклардан ҳимоя қилганидек, тириклигига нега ўлимдан сақлаб қолмади?,— деб савол бериши мумкин. Бунга жавоб шуки, Аллоҳ таоло инсонларнинг садоқатини ва мўъминларнинг жонларини фидо этишларини кўришни ва уларга ҳурмат мақомларини тайёрлаб қўйишни ҳамда Ўз марҳаматларини зиёда қилишни сужди. Аллоҳ таоло Осим разияллоҳу анҳуни шаҳидлик мартабасига мушарраф қилишни хоҳлади. Уни қатл қилинишидан ҳимоя қилмаган бўлсада, жасадига мушрикнинг қўли тегишидан ҳимоя қилди. Бу — мўъминнинг ўлими билан тугалланган бўлсада, ғалаба кўринишидан биридир.

## Ғалабанинг бешинчи тури

Аллоҳ таолонинг мўъминларга берадиган ғалаба турларининг бешинчиси, Аллоҳ таоло айтганидек, ҳужжат ғалабасидир:

(وَتَأْكُلْ حُجَّتَنَا عَاتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ نَرْفَعُ دَرَجَتٍ مَّنْ نَشَاءَ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ)

**«Мана шулар Иброҳимга қавми устида берган ҳужжатларимиздир. Биз Ўзимиз хоҳлаган кишиларни (мана шундай баланд) даражаларга кўтарурмиз»** (Анъом: 83).

«Даражаларининг кўтарилиши» — ғалабадир. Бинобарин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шундай деганлар: «Умматимдан бир тоифаси ҳақиқат узра Аллоҳнинг амри келгунича (ўзгармай) қоладилар ва уларни

ёрдамсиз ташлаб қўйғанлар зарар бера олмайдилар». Бундай ҳолатда қолишнинг энг паст даражаси ҳужжат ва баённинг очиқ қолишидир. Ва балки бу ҳужжат ва баёнлар билан бирон давлат ва султонлик пайдо бўлар!

Ҳой мусулмонлар, бу ғалаба турларининг барчаси Аллоҳ таолонинг ушбу ваъдаси ичига киради:

(وَكَانَ حَقّاً عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ)

«Мўъминларга ёрдам бериш зиммамиздаги ҳақдир!» (Рум: 47).

## Ғалабанинг олтинчи тури

Бироқ, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бизларга башорат берган ғалаба, Ер юзига ҳукм қилиш ва ғолиб бўлишдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деди:

(هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ يُظْهِرُهُ عَلَى الَّذِينَ كُلَّهُو وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ)

«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар истамасалар-да — барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» (Сафф: 9).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ таоло қишлоқ ва шаҳардаги ҳар бир хонадонга бу Динни азизни Ислом билан азиз, хорни эса куфр-ла хор қилиш билан олиб киради»;

«Аллоҳ Менга Ерни эгди ва Мен унинг машриқу мағрибини кўрдим. Умматимнинг мулки Менга Ердан егилган жойгача етиб боради».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисини ривоят қилди: «Мусулмонлар яҳудийларга қарши урушиб, уларни ўлдирмагунларича Қиёмат қоим бўлмайди. Яҳудий (мусулмондан) тош ва дараҳтнинг орқасига яширинади ва (ўша) тош ва дараҳт: Ҳой, мўъмин! Ҳой, Аллоҳнинг бандаси! Мана бу яҳудий орқамда (турибди). Кел, уни ўлдир!,— дейди. Ғарқад бутаси ундей эмас. Чунки у, яҳудийларнинг бутасидир!»— дедилар.

Биз мазкур ҳадисларни Аллоҳ ва пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваъдаларини рӯёбга чиқариш учун ўқиймиз. Ҳолбуки, биз

мұйыминлар Қуёшнинг заррин нурларини сочиши ва кечалар зулматнинг йўқолишини умид қилиб яшамоқдамиз. Ҳолбуки, янги тонг нафас олиб ёришмоқда:

Тонг туғилиб, заррин нурин сочмоқда,  
Жонли уйғониш байроқларин ҳилпиратмоқда.  
Исломнинг ёшлари бу бир вулқондир,  
Саодат йўлида шахдам одим отмоқда.  
Масофалар босиб ўтди иймон карвони,  
Жаҳон учун бериб равнақу шонни.  
Бу уйғониш бежиз эмас, билинглар,  
Ваъдасидур ул зул-Жалол Раҳмонни!  
Хурмо дараҳтидир унинг мисоли  
Танаси бақувват, ери унумдор.  
У қалбларда гўё зайдун дараҳти,  
Эҳтиром шоҳлари, япроқлари бор!  
Ундан заррин нурлар ёғилмоқда,  
Қуёшни этак-ла тўсиб бўларми?  
Бу нурлар машриққа етиб боргунча  
Қарши чиққан қўллар яшаб қоларми?

### Ғалабага бўлган умид

Ҳой мусулмонлар, Аллоҳ йўлида курашаётган одам учун Аллоҳнинг мадади, ёрдами ва ҳақ ваъдасига бўлган ишонч – йўл озуқаси, орзулар калити, босқичлар уфқини кўраётган мусулмон авлодлар учун эса ёғдутир. Ғалаба лаҳзалари ва ҳукмрон қилиш башоратлари, мужоҳидлар фикри ва туйғуларида ўрнашган жонли мақсадлардир. Аллоҳ ва Унинг мададидан умидини узган одам, катта зиён кўради. Бу ёрдам ва мададнинг келишидан шубҳаланган одамга эса, шубҳаланиш даражасига қараб мадад ва ғалаба кечикади:

(مَنْ كَانَ يَظْنُ أَنَّ لَنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ فَلَيَمْذُدْ بِسَبَبِ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ لِيُقْطَعْ فَلَيَنْظُرْ هُنَّ يُذْهَبُنَّ كَيْدُهُ مَا يَعْيِظُ  
\* وَكُلُّكُمْ أَنَّزَلْنَاهُ عَلَيْتِ بَيِّنَاتٍ وَأَنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يُرِيدُ)

«(Албатта Аллоҳ Үз пайғамбариға ёрдам берур, энди) кимда-ким: «Аллоҳ ҳаргиз унга ёрдам қилмас», деб гумон қилгуви бўлса, у ҳолда бир арқон билан осмонга-шифтга осилиб, (ўзини ердан) узсин (яъни ўзи учун дор ясаб, унга осилсин), сўнг қарасин – бу найранги ғазабини кетказармикан.

И з оҳ. Ушбу оятни шундай тушунмоқ лозим: Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам алайҳис-саломга ва Ислом динига ёрдам-ғалаба бермайди, деб ўйлаб юрадиган кимсалар яхиси бир дор ясаб ўзларини осганлари маъқул. Акс ҳолда Тангри таолонинг мусулмонларга берган ғалабасини кўриб у кимсаларнинг бошлари хафачилиқдан чиқмай қолур.

Биз уни (яъни Қуръонни) мана шундай аниқ-равshan оятлар(дан иборат) бўлган ҳолида нозил қилдик. Албатта Аллоҳ Ӯзи истаган кишиларни ҳидоят қилур» (Ҳаж: 15, 16).

Ҳой мұмынлар, Аллоҳнинг дўстларига юборадиган ғалаба ҳақида шубҳаланган одамлар ушбу оятларни ўқисин:

(إِنَّا لَنَصْرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ظَاهَرُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُولُونَ إِنَّمَا نَصْرٌ لِلْمُؤْمِنِينَ)

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (Қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» (Фоғир: 51);

(وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكُمْ رُسُلًا إِلَى قَوْمِهِمْ فَجَاءُوهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَأَنْتَعْلَمُنَا مِنَ الَّذِينَ أَجْرَمُوا وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرٌ الْمُؤْمِنِينَ)

«Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз. Бас улар (қавмларига) аниқ-равshan ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жиноят қилган кимсалардан интиқом олганмиз ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган» (Рум: 47);

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ظَاهَرُوا هُنَّ أَذْلَكُمْ عَلَى تِجْرِيَةِ تُنْجِيْكُمْ مَنْ عَذَابِ اللَّهِ • تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَتُجْهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ  
بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ • يَغْفِرُ لَكُمْ دُنُوبَكُمْ وَيُنَذِّلُكُمْ جَنَاحِهِ مِنْ تَحْتِهَا آلَانَهُرُ وَمَسَكِنَ طَيِّبَةَ فِي  
جَنَاحِهِ عَنِ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ • وَآخِرَى تُحْبِبُهَا نَصْرٌ مِنَ اللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ)

«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (Ўша «тижорат» мана будир)— Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға иймон келтиурсизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қилурсизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир. (Агар шундай қилсангизлар, Аллоҳ) сизларнинг

генохларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза масканларга киритур. Бу эса улуғ баҳтдир. Ва (Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар сүядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Аллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқин(да рўй бергувчи Макка) фатҳидир. (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мўминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!» (Сафф: 10 – 13);

(لَيَأْتِهَا الَّذِينَ عَامَلُوا إِن تَنْصُرُوا أَلَّهُ يَنْصُرُكُمْ وَيُبَيِّنُ أَقْدَامَكُمْ)

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни событ-барқарор қилур» (Мұхаммад: 7);

(ذَلِكَ وَمَنْ عَاقَبَ بِمِثْلِ مَا عَوَقَبَ بِهِ ثُمَّ بُغَى عَلَيْهِ لَيَنْصُرَنَّهُ أَلَّهُ إِنَّ أَلَّهَ لَعْفُوٌ غَفُورٌ)

«(Иш) шудир. Ким ўзига берилган азоб-уқубат баробарида ўч олса, сўнгра яна унга зулм-зўравонлик қилинса, албатта Аллоҳ унга (мазлумга) ёрдам қилур. Дарҳақиқат Аллоҳ афв қилгувчи, кечиргувчидир» (Ҳаж: 60).

Хой мусулмонлар, Аллоҳнинг ғалабаси шу ғалабага лойик бўлган одамлар учунгина берилади. Улар – охиригача сабот билан тура оладиган, мусибат ва фалокатларда устивор турдиган, беқарорлик маҳаллари маҳкам турган, бошларини бўронлар олдида эгмайдиган, ғалаба фақатгина Аллоҳ таоло тарафидан Аллоҳ хоҳлаган пайтда келишигагина қатъий ишонган, мусибат ва синовлар чўққисига етганида Аллоҳдан бошқасидан ғалабани умид қилмайдиган мўъминлардир.

## Ғалаба баъзида кечикиш мумкин

Шундай бўлсада, биз шундай деймиз: Ғалабанинг гарчи лойик бўлганлари мусулмонлар ва душманлари кофирлар бўлсалар ҳам гоҳида кечикиши – Аллоҳнинг суннатидандир. Бунинг айрим сабаблари бор. Шулардан бири, Уммат ҳали пишиб етилмаган, ўз қувватини тўплай олмаган, унинг ҳар бир ҳужайраси ўзидағи имконият ва куч нақадар эканини била олмаган бўлишидир. Агар унга ғалабани берилса ҳимоя қилишга кучи етмагани боис, уни тез кунда қўлдан қочиради. Зоро осонлик билан келган зафар, қулайлик билан йўқ бўлади. Чунки унинг қиймати арzon бўлиб, йўлида катта фидоийликлар қилинмаган бўлади.

Ғалаба, мўъмин Уммат қийналиб азиятлар чекар экан, Аллоҳга бўлган алоқасини кучайтириши, Аллоҳдан бошқа суюнчиғи ва паноҳи йўқ эканини тўла тушуниб етмагунича ҳам кечикиши мумкин. Ҳолбуки, бу алоқа, Аллоҳнинг изни

билин келган ғалабадан кейин, Умматнинг Аллоҳнинг манҳажида шаҳдам одим отиши учун кафолатдир. Шу кафолат билангина Уммат Аллоҳнинг ёрдами келадиган ҳақиқат, адолат ва яхшилиқдан воз кечиб, бурилиб кетмайди.

Гоҳида ғалаба кечикиши мумкин. Чунки мўъмин Уммат Аллоҳ ва Аллоҳга чақириш учун олиб бораётган кураши ва фидоийликларида ҳануз самимий бўлмай, қўлга киритаётган ўлжаси ёки шахсий интиқоми ёхуд душманлар олдида жасорат кўрсатиш учун бор кучини сарф этаётган бўлади. Аллоҳ таоло эса бу курашнинг фақатгина Ўзининг йўлида ва Ўзи учун бўлишини сужди. Бу кураш асносида пайдо бўлган ёт туйғу ва мақсадлардан холи бўлишини истайди. Зеро Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Ҳамият, жасорат ва ўзини кўрсатиш учун жанг қилган одамларнинг қайси бири Аллоҳ йўлида курашган бўлади? – деб савол берилганида: **«Ким Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун жанг қилса ана ўша Аллоҳнинг йўлида бўлади»** – деб жавоб берган эдилар (Муттафақун алайҳ).

Баъзан ғалаба кеч қолиши мумкин. Чунки, мўъмин Уммат курашаётган ботилнинг сохталиги ҳануз одамларга билинмаган бўлади. Агар бундай пайтда мусулмонлар зафар қучсалар, ботилнинг ҳам унинг фасоди ва йўқотилиши зарур эканини тушуниб етмаган тарафдорлари бўш турмайдилар. Ҳатто ботилни бутунлай очиб ташланмагани боис, содик инсонлар қалбида ҳам асоратлари қолган бўлади. Натижада, одамларга залолат экани маълум бўлгунича ботил нарслар жамиятда қолиб кетади. Агар уни йўқотилмоқчи бўлса, одамлар бундан ҳайратга тушади.

Ғалабанинг кечикиш сабабларидан бири, ижтимоий муҳит мўъмин Уммат амалга оширадиган адолат, ҳақиқат ва эзгуликни қабул қилиш учун тайёр бўлмайди. Бундай пайтда Уммат ғалаба қозонса, жамиятда яшаётган мухолифлар томонидан талайгина қаршиликларга дуч келади. Натижада, улар ҳам қўлга киритилган ғалабанинг таъмини тотгунларича ўртада шиддатли кураш давом этаверади.

Хой мусулмонлар, бу ва бундан бошқа биз билмаган ва Аллоҳ билган омиллар сабабли Аллоҳнинг зафари кечикиши, қурбонликлар, аламлар ва савоблар кўпайиши мумкин. Буларнинг барчасида Аллоҳ таолонинг мўъмин бандаларини ҳимоя қилиши ва оқибатда уларга ғалабани бериши каби яхшиликлар бор:

(وَلَيُنْصَرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقُوْيٌ عَزِيزٌ • الَّذِينَ إِنْ مَكَّنُهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقْلَمُوا الْصَّلَاةَ وَأَنْوَأُوا الْرَّزْكَةَ وَأَمْرُوا  
بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَاوْا عَنِ الْمُنْكَرِ وَلَلَّهِ عِقْبَةُ الْأَمْوَارِ • وَإِنْ يُكَدِّبُوكَ فَقَدْ كَدَّبْتُ قَبْلَهُمْ قَوْمٌ نُوحٌ وَعَادٌ وَثَمُودٌ • وَقَوْمٌ إِبْرَاهِيمَ وَقَوْمٌ  
لُوطٍ • وَأَصْحَبُ مَدْيَنَ وَكُذَّبَ مُوسَى فَأَمْلَأْتُ لِلْكُفَّارِينَ ثُمَّ أَحْدَثْتُهُمْ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرٌ • فَكَائِنٌ مَنْ قَرِبَةٌ أَهْلَكْنَاهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ فَهَيَ  
خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا وَبِنِيرٍ مُعَطَّلَةٌ وَقَصْرٍ مَشِيدٍ • أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَا أَوْ عَادُوا يَسْمَعُونَ

بِهَا فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى الْأَبْصَرُ وَلِكُنْ تَعْمَى الْقُلُوبُ الَّتِي فِي الْأَصْدُورِ • وَيَسْتَغْلُوكُنْ بِالْعَدَابِ وَلَنْ يُخْلِفَ اللَّهُ وَعْدُهُ وَإِنْ يَوْمًا عِنْدَ رَبِّكَ كَلَّفِ سَنَةٍ مَّمَا تَعْدُونَ • وَكَانَ مَنْ قَرِئَةٌ أَمْلَيْتُ لَهَا وَهِيَ ظِلْمَةٌ ثُمَّ أَخْذَتُهَا وَإِلَيَّ الْمَصِيرُ)

«Албатта Аллоҳ Үзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир.

И з о ҳ. Бу оятдаги бир нукта айрича эътиборга лойиқдир. Мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонда масжидлар ўзга диндаги кишиларнинг ибодатхонларидан кейин — тўртинчи ўринда зикр қилинди. Бундан маълум бўладики, Ислом давлатида ўзга дин аҳллари ҳам мусулмонлар билан баб-баробар ҳукуқقا эга бўлар эканлар.

Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак – улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир).

(Эй Мұхаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам), агар улар (яъни Макка мушриклари) сизни ёлғончи қилсалар, (билингки) улардан илгари Нуҳ қавми, Од, Самуд (қабилалари) ҳам (ўзларига юборилган пайғамбарларни) ёлғончи қилгандирлар.

Иброҳимнинг қавми (Иброҳимни), Лут қавми (Лутни), Мадян (шаҳрининг) аҳолиси (Шуайбни ёлғончи қилгандирлар). Мусо ҳам ёлғончи қилинди. Мен эса кофир бўлган кимсаларга мухлат бериб қўйиб, сўнgra уларни (Ўз азобим билан) ушладим. Бас, Менинг инкорим қандай бўлди?!

Зотан қанчадан-қанча золим-кофир бўлган ҳолларида Биз ҳалок қилган, бас томлари (йиқилиб) ҳувиллаб қолган қишлоқ-شاҳарлар, (қанча) ташландиқ қудуқлар ва юксак (лекин кимсасиз) қасрлар бордир.

Ахир улар (яъни Макка мушриклари) ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун доно диллар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зоро, кўзлар кўр бўлmas, балки кўкракларидаги кўнгиллар кўр бўлур.

Улар сиздан (истеҳзо билан Аллоҳ ваъда этган) нақд азобни талаб қиласидилар. Ҳолбуки Аллоҳ Ўз ваъдасига ҳаргиз хилоф қилмас. Дарвоқеъ, Парвардигорингиз наздидаги бир кун(лик азоб) сизларнинг ҳисоб-китобингиздаги минг йилга баробардир.

**Қанчадан-қанча золим-коғир бўлган ҳолларида Мен (ҳалок қилмай)  
мухлат бериб қўйиб, сўнг (азобим билан) ушлаган қишлоқ-шаҳарлар  
бўлгандир. Ёлғиз Менгагина қайтиш(ингиз) бордир» (Ҳаж:40 – 48).**

**Манба: Ҳикмат Нури**